O‘RTA ASR ARABSHUNOSLIK MARKAZLARIDA YARATILGAN ISLOMIY MATNLARNING LOTINCHA TARJIMALARI TAHLILI (XII – XIII asrlarga oid qo‘lyozmalar asosida)

АНАЛИЗ ЛАТИНСКИХ ПЕРЕВОДОВ ИСЛАМСКИХ ТЕКСТОВ, СОЗДАННЫХ В СРЕДНЕВЕКОВЫХ ЦЕНТРАХ АРАБИСТИКИ (на основе рукописей XII – XIII веков)

ANALYSIS OF LATIN TRANSLATIONS OF ISLAMIC TEXTS WRITTEN IN MEDIEVAL ARABIST CENTERS (Based on 12th–13th Century Manuscripts)

MAKHMUDOV Otabek,
FERGANA STATE UNIVERSITY,
Head of the Department for Coordinating the Activities of Academic Councils,
Doctor of Phlisophy on historical sciences,
Associate Professor.
o.maxmudov@pf.fdu.uz
19 Murabbiylar, Fergana, 150100, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2025/3/8

Аннотация: *Ушбу мақолада «Қуръони карим» ҳамда «Китоб ал-Исро ва-л-Ме‘рож», «Китоб ал-Анвар», «Масо’ил Абдуллоҳ ибн Салом», «Рисолат ал-Киндий» каби диний асарларни XII – XIII асрларда лотин тилига таржима қилиниши масаласи тадқиқ этилган. Қўлёзмалар Париж, Оксфорд, Милан, Турин ва Ватикан нусхалари асосида қиёсий таҳлил қилинган.*

Асосий эътибор «Қуръони карим»нинг лотинча матнларини яратишда қўлланилган услублар таҳлилига қаратилган бўлиб, улар асл арабча матнлар билан ўзаро солиштирилиб, таржимонлар томонидан йўл қўйилган хато, камчиликлар очиб берилган.

Айни даврдаги таржима ишларининг асосий буюртмачиси сифатида христианлик черкови ўзининг ўрта аср «мафкуравий майдони»даги энг асосий рақобатчиси ҳисобланган ислом дини ва фалсафасига қарши курашиш мақсадида исломий китобларни лотин тилига ўгириш ташаббусини илгари сурганлиги бирламчи ёзма манбалар асосида ёритилган.

Мақолада таҳлил натижаларига асосан ўрта асрлардаги динлараро қарама-қаршиликлар лотинча таржималар талқини ва лексикасига жиддий салбий таъсир этиб, таржимонлар исломий матнларни насроний дунёқарашига мослаштиришлари оқибатида муқаддас исломий матнлар ҳамда пайғамбар шахсиятига оид лотинча маълумотларда кўплаб нотўғри ва ҳақиқатдан йироқ қайдлар шаклланиб қолган, деган хулосага келинган.

Калит сўзлар: *Қуръон, Пайғамбар, Европа, араб тили, лотин тили, асарлар, таржималар, мафкуравий кураш, талқин.*

Аннотация: *В статье исследуется проблема перевода на латинский язык таких религиозных произведений, как Коран, «Китаб ал-Исраʾ ва-л-Миʿраж», («Книга о ночном путешествии и вознесении»), «Китаб ал-Анвар» («Книга сияний»), «Масаʾил ʿАбдаллах ибн Салам» («Вопросы Абдаллы ибн Салама»), «Рисалат ал-Кинди» («Послание ал-Кинди»), осуществлённого в XII – XIII веках. В исследовании проведён сравнительный анализ рукописей, хранящихся в Париже, Оксфорде, Милане, Турине и Ватикане.*

Основное внимание уделяется анализу методологических подходов, использованных при создании латинских текстов Корана. Латинские переводы сопоставляются с оригинальными арабскими источниками, выявляются ошибки, допущенные переводчиками.

На основе первичных письменных источников доказано, что христианская церковь, выступавшая главным инициатором переводческой деятельности данного периода, ставила целью борьбу с исламом – основным идеологическим соперником в средневековом мировоззренческом пространстве. В связи с этим перевод исламских книг на латинский язык рассматривался как элемент полемики.

Результаты анализа свидетельствуют о том, что межконфессиональные противоречия Средневековья оказали серьёзное негативное влияние на интерпретацию и лексику латинских переводов: переводчики нередко адаптировали исламские тексты к христианскому миропониманию, в результате чего в латинских источниках о священных исламских текстах и личности пророка закрепились многочисленные искажения и сведения, далёкие от исторической истины.

Ключевые слова: *Коран, Пророк, Европа, арабский язык, латинский язык, произведения, переводы, идеологическая борьба, интерпретация.*

Annotation: *The article examines the translations of religious texts such as the «Qur’an», «Kitāb al-Isrāʾ wa-l-Miʿrāj» («The Book of the Night Journey and Ascension»), «Kitāb al-Anwār» («The Book of Lights»), «Masāʾil ʿAbdallāh ibn Salām» («The Questions of ʿAbdallāh ibn Salām»), and «Risālat al-Kindī» («The Epistle of al-Kindī»), into Latin during the 12th–13th centuries. The study is based on a comparative analysis of manuscript copies preserved in Paris, Oxford, Milan, Turin, and the Vatican.*

The main focus of the study is the analysis of the translation methods used in the creation of Latin versions of “the Holy Qur’an.” These texts are compared with the original Arabic manuscripts, revealing the errors and inaccuracies made by the translators.

Based on primary written sources, the article highlights that during this period, the Christian Church acted as the main initiator of translation activities. Its primary goal in promoting the translation of Islamic texts into Latin was to oppose Islam and Islamic philosophy, which were regarded

as the main ideological rivals within the medieval Christian intellectual sphere.

Based on the results of the analysis, the article concludes that interreligious conflicts of the medieval period had a profoundly negative influence on the interpretation and lexical choices in the Latin translations. As a result of the translators' attempts to adapt Islamic texts to the Christian worldview, numerous distortions and inaccuracies emerged in the Latin accounts concerning sacred Islamic writings and the personality of the Prophet.

Keywords: *Qur'an, Prophet, Europe, Arabic language, Latin language, works, translations, ideological struggle, interpretation.*

КИРИШ

Европанинг XI аср иккинчи ярми – XIII асрда фаолият юритган арабшунослик таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарлар рўйхатига назар ташланса, дастлабки вақтда тиббиёт, илоҳиёт, астрология, астрономия ва математика каби фан соҳаларига доир китобларни таржима қилишга асосий эътибор қаратилганига гувоҳ бўламиз. XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фалсафага тааллуқли асарларни лотин тилига ўгириш кенг тус олди. XIII асрнинг иккинчи ярмидан бу асарлар қаторига бадиий адабиёт намуналари ҳам қўшилди. Биз, ўзимизнинг аввалги ишларимизда Европанинг ўрта аср арабшунослик таржима марказлари тушунчаси, уларнинг ташкил топиши ва фаолият босқичлари (Makhmudov O., 2022c:5052-5065), (Mahmudov O., 2022b:36-44) араб ва лотин тилли манбаларнинг қиёсий таҳлили (Mahmudov O., 2022e:47-52) асосида ёритилиб, мусулмон Шарқи олимлари асарларининг лотин тилига таржима этилишини соҳалар кесимида: аниқ (Mahmudov O., 2019b:84-93), тиббий (Mahmudov O., 2019a:97-107) ва ижтимоий-гуманитар (Mahmudov O., 2021:47-52) фанлар бўйича очиб беришга ҳаракат қилдик. Эътиборли жиҳати, минтақада таржима жараёнлари тизимли равишда йўлга қўйилган XII асрда лотин тилига ўгирилган дастлабки асарларнинг аксари айнан ислом динига оид китоблар бўлди. Бунинг асосий сабаби – айни даврдаги таржима ишларининг асосий буюртмачиси христианлик черкови ҳисобланган. У эса ўзининг ўрта аср «мафкуравий майдони»даги энг асосий рақобатчиси ҳисобланган ислом дини ва фалсафасига қарши курашиш, унинг ғояларини инкор этиш, бу орқали мусулмонларни христианликка ўтказиш мақсадида исломий китобларни лотин тилига ўгириш ташаббусини илгари сурди. Шу сабабдан ҳам таржима қилинган дастлабки асарларнинг аксари айнан ислом динига оид китоблар, шу жумладан, «Қуръон» бўлди.

УСЛУБЛАР

Тадқиқот жараёнида тарихийлик тамойили, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, таснифлаш, муаммовий-хронологик каби усуллардан фойдаланилди. Бирламчи манбалардаги маълумотларни муомалага киритиш жараёнида улар ҳам қиёсий таҳлил қилиниб, хулосалар умумлаштирилди.

НАТИЖАЛАР

«Қуръони карим» ёки ислом дини билан боғлиқ бошқа матнларнинг ўрта асрларда яратилган лотинча таржималари минтақамиз фан тарихчилари томонидан ҳозирга қадар деярли тадқиқ этилмаган. Айни ҳолат исломшунослик ва диншунослик йўналишидаги тадқиқотларга ҳам бирдек хосдир. Мазкур муқаддас китобнинг лотин тилига таржима қилиниши, яратилган таржималарнинг таҳлилига бағишланган тадқиқотлар асосан европалик мутахассислар томонидан олиб борилган. Жумладан, Т.Бурман, М-Т. Де Альверний, О. Де ла Круз Пальма, Ф.Гонсалез-Миноз, О.Ҳанне, Й.Критзецк, А.Лаппин, М.Тисчлер, Ж.Толан, К.Ферреро Ҳернандез тадқиқотларида «Қуръони карим»нинг лотинча таржималари турли ракурсларда, илмий мақола контекстида таҳлил қилинган. Булардан, Т.Бурман мақоласида «Қуръони карим»нинг XII ва XIII асрларда яратилган дастлабки лотинча нусхалари қиёсий таҳлил қилиниб, таржималарнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. Бироқ, муаллиф ўрта аср диний курашлари таъсирида таржимонлар томонидан муқаддас китоб матнига киритилган айрим салбий қўшимчаларни ижобий баҳолаб, масалани ёритишда бирёқлама позицияда туради. Бу каби ёндашув юқоридан санаб ўтилган аксар европалик тадқиқотчилар (De la Cruz Palma O., 2002:21-28), (Tischler M., 2012:201-221), (Lappin A., 2021:27-56) ишларида ҳам кузатилади. Айни масала юзасидан 2021 йил Берлинда эълон қилинган «The Latin Qur'an, 1143 – 1500. Translation, Transition, Interpretation» (Лотинча Қуръон, 1143 – 1500: таржима, тўлдириш, талқин) номли (Ferrero Hernández C. & Tolan J., 2021) тўпламда ҳам соҳадаги сўнгги илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Тўпламга киритилган мақолалардан Ф.Гонсалез-Миноз мақоласида (González Muñoz F., 2021:95-110) «Қуръони карим»нинг Арсенал кутубхонасида сақланган XII асрга тааллуқли нусхаси таҳлил этилиб, таржимон Кеттонлик Роберт томонидан қўлланилган таржима методикаси очиб берилган. Аммо, тадқиқотчи «Қуръони карим»нинг 1142 ва 1143 йилларда яратилган иккита алоҳида-алоҳида таржималарини битта нусхаси сифатида кўриб, хатоликка йўл қўйган.

Юқоридаги тадқиқотларга қарамай «Қуръони карим»нинг ўрта асрларда яратилган лотинча таржималари, айниқса, унинг дастлабки намуналари ҳисобланган XII – XIII асрлардаги нусхалари ҳануз комплекс равишда тадқиқ этилмай қолмоқда. Мавжуд тадқиқотларнинг асосий қисмини европалик олимлар томонидан амалга оширилганлиги боис, бу каби ишларда муқаддас китоб матнидаги ўрта аср сунъий ўзгартиришларига христианлик нуқтаи назаридан баҳо бериш устуворлик қилади.

«Қуръони карим»нинг лотин тилидаги илк нусхаси бугунги кунда Франция миллий кутубхонаси таркибидаги Арсенал кутубхонасида MS. 1162 рақамли «Corpus Islamolatinum» («Лотинча исломий матнлар жамланмаси»)да сақланмоқда. Мазкур тўплам ўзида XII асрга тааллуқли 9 та қўлёзмани (MS. 1162: fols. 1r – 3v; fols. 3v – 4v; fol. 5r; fols. 5r – 10v; fols. 11r – 18r; fols. 19r – 25r; fol. 25v; fols. 26r – 138v; fols. 139r – 178r) жамлаган бўлиб, улар асосан ислом дини ва унинг фалсафасига оид китоблар ҳамда диний асарлар таржималарининг яратилишига оид бир нечта мактублардан иборат.

«Corpus Islamolatinum» таркибидаги иккинчи қўлёзма ҳисобланувчи «Epistula domini Petri abbatis ad dominum Bernardum Clare Uallis abbatem» («Клеар водийси аббати Бернардга аббат Пьернинг мактуби») (MS. 1162: fols. 3v – 4v) мақола доирасида тадқиқ этилаётган масала юзасидан муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, айни мактуб «Қуръон»нинг илк лотинча нусхасини яратилган санасини аниқ кўрсатувчи манба ҳам ҳисобланади. Аслида, мазкур нома Бургундиядаги Клюния черкови аббати Пьер де Монтбоиссиернинг (1094–1156) Иккинчи салб юриши (1147–1149) ғоявий раҳнамоларидан бири Клеарвеухлик Бернардга (1091–1153) йўллаган мактубидир. Унда, «Қуръон»нинг таржима қилишдан бош мақсад нимадан иборатлиги аниқ баён этилган.

Жумладан, мактубда шундай ёзилади: *«Contuli ergo me ad peritos linguae Arabicae, …eis ad transferendum de lingua Arabica in Latinam perditi hominis originem, vitam, doctrinam, legemque ipsam quae Alchoran vocatur, tarn prece quam pretio, persuasi»* [Араб тилини билгувчиларга мурожаат қилиб, уларни адашган инсоннинг келиб чиқиши, ҳаёти, таълимоти ва қонуни бўлмиш «ал-Қуръон»ни араб тилидан лотин тилига таржима қилишга ибодат ва пул кучи ила кўндирдим].

«Ad pugnandum saracenis et negandum, necesse est primum doctrinam eorum intellegere, quae fundamentum est huius doctrinae et eius defectus cognoscere, ideoque ad suum sanctum librum ex arabico in latinum transferendum, hunc codicem collegi et eos qui id facere potuerunt» [Мусулмонларга қарши курашиш ва инкор этиш учун аввало, уларнинг таълимотини тушуниш, ундаги камчиликларни аниқлаш лозим, шунинг учун ҳам уларнинг муқаддас китоби /Қуръон/ни араб тилидан лотинга ўгириш учун ушбу қўлёзмани ва бу ишни амалга оширувчи /таржимон/ларни /Памплонада/ жамладим].

«Et ut translationi fidesplenissima non deesset, nee quidquam fraude aliqua nostrorumnotitiae subtrahi posset, Christianis interpretibus etiam Sarracenumadjunxi. Christianorum interpretum nomina: Robertus Kecenensis, Armannus Dalmata, Petrus Toletanus; Saraceni Mahumethnomen erat. Qui intima ipsa barbarae gentis armaria perscrutantes,volumen non parvum ex praedicta materia Latinis lectoribusediderunt. Hoc anno illo factum est quo Hispanias adii, …qui annus fuit ab Incarnatione Domini 1141» [Таржима аниқ бўлиши ва бизни /яъни насронийларни/ ўзига маҳлиё қилиб, билимларимизни бузмаслиги учун христиан таржимонлар қаторига мусулмонни ҳам қўшдим. Булардан христианлар: Кеттонлик Роберт, Далматлик Ҳерман, Толедолик Пётр; мусулмонни Муҳаммад деб аташарди. Улар барбар /мусулмонлар назарда тутилган/ халқининг энг нозик сирларини ўрганиб чиқиб, лотин ўқувчилари учун юқорида айтилган матнларнинг катта ҳажмини тайёрлашди. Бу менинг Испанияда бўлган йилимда …яъни, Раббим /Исо алайҳиссалом/ таваллудининг 1141 йилида юз берди] (MS. 1162: fols. 3v – 4v).

Мактуб матнидаги маълумотлар исломий асарларнинг лотинча таржималари учун черков буюртмасининг асл мақсади – мазкур динга қарши курашиш бўлганлигини ортиқча изоҳларсиз ифода этади. Контекстга назар ташланса, Пьер де Монтбоиссиер мусулмонларга нисбатан ўта сўл қарашда бўлган. Буни мактубда Муҳаммад алайҳиссаломга нисбатан *perditi hominis* («адашган инсон»), мусулмонларга эса *barbarae* («варвар») таърифини ишлатилганлигида ҳам кўриш мумкин.

МУҲОКАМА

Аслида, мактубда назарда тутилган «Қуръон» таржимаси 1142 йилда Пиреней ярим оролининг Франция билан чегарадош шимолий ҳудудида жойлашган Наварра тарихий вилоятидаги Памплона шаҳрида яратилган бўлиб, жараёнда Далматлик Ҳерман (1100–1160), Кеттолик Роберт (XII аср), Толедолик Педро (XII аср) каби таржимонлар ҳамда матнни маҳаллий кастиль тилига оғзаки ўгирувчи Муҳаммад (XII аср) исмли тилмоч иштирок этган. «Alcoranum» номли айни таржима «Қуръон»нинг Европада яратилган илк лотинча нусхаси бўлсада, кейинги йилларда яратилган ишлар ичида анча нуқсонлиси ҳисобланади. Сабаби, аввалроқ таъкидланганидек, таржима диний-мафкуравий

жиҳатдан исломга қарши курашиш мақсадида амалга оширилганлиги боис, матнлар кўп ҳолатларда нотўғри талқин этилган. Айрим тадқиқотларда мазкур таржимани Кеттолик Роберт бир ўзи тайёрлаганлиги (De la Cruz Palma O., 2002:23) қайд этилган. Бироқ, бу фикр нотўғри бўлиб, иш юқорида санаб ўтилган таржимонлар ҳамкорлигида амалга оширилган. Улардан ташқари, таржима жараёнида Бургундиядан Пьер де Монтбоиссиер билан биргаликда келган Пуатьелик Пьер (XII аср) исмли таржимон ҳам иштирок этган. Унинг исми мактубда тилга олинмаган бўлсада, де Монтбоиссиернинг шахсий асари ҳисобланган «Summa totius haeresis Saracenorum» («Барча мусулмон бидъатларининг йиғиндиси») номли рисолада Пуатьелик Пьер Памплонадаги таржима ишининг ташкилотчиси (Kritzeck J., 1964:64) сифатида таърифланади.

Қайд этиш лозимки, «Summa totius haeresis Saracenorum» аслида *исломий таълимотлардаги хатоликларни аниқлаш ва шу асосда бу таълимотларни инкор этиш мақсади*да ёзилган бўлса-да, у мусулмон маданияти ва фани тарихига бағишланган Европадаги илк асар эканлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Асарнинг асл қўлёзмаси бугунги кунда Франциянинг Дуэ муниципаль кутубхонаси фондида MS 381 хос рақами билан сақланади. Унинг лотинча матни инглиз тилидаги изоҳлари билан 1964 йилда Принстон университетида (Kritzeck J., 1964) нашр қилинган.

1143 йилда Кеттонлик Роберт «Қуръон»ни бир ўзи лотин тилига ўгирган. «Lex Mahumet pseudoprophete» (MS. 1162: fols. 26r – 138v; MS. 313. 3: fols. 29 – 159v) номли бу иш ҳам Памплонада Пьер де Монтбоиссиер ташаббуси билан амалга оширилган. Шу сабабдан ҳам унинг номланиши ва матнида диний-ғоявий курашнинг салбий таъсири яққол кўринади. Мисол учун, таржиманинг номланишини ўзбек тилига сўзма-сўз ўгирилганда «*pseudoprophete*» сохта пайғамбар «*Mahumet*» Муҳаммад «*Lex*» қонуни деган маъно келиб чиқади. Бундан ташқари, ишда айрим сураларнинг кетма-кетлиги ҳам бузилган бўлиб, баъзи оятлар лотинчага ўгирилмай қолиб кетган. Жумладан, Роберт таржимасини 11 та оятдан иборат «ал-Қориа» (101) сураси мисолида таҳлил этадиган бўлсак, суранинг фақат 7 та оятигина лотинчага ўгирилганлигини кўриш мумкин:

Арабча матн (Qur'oni karim, 2004:600)	**Лотинча таржима** (MS. 1162: fols. 138v)
الْقَارِعَةُ<١>	<1> ---
مَا الْقَارِعَةُ> ٢<	<2> ---
وَمَا أَدْرَاكَ مَا الْقَارِعَةُ> ٣<	<3> ---
يَوْمَ يَكُونُ النَّاسُ كَالْفَرَاشِ الْمَبْثُوثِ >٤<	<4> Die mandati grauis exibunt homines uelud culices, nunc hac nunc illac promouentes
وَتَكُونُ الْجِبَالُ كَالْعِهْنِ الْمَنفُوشِ >٥<	<5> fientque montes ut lana decerpta
فَأَمَّا مَن ثَقُلَتْ مَوَازِينُهُ> ٦	<6> et cuicunque pondus immensum preponderabit
فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَّاضِيَةٍ> ٧	<7> uitam uiuet optimam
وَأَمَّا مَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ> ٨	<8> cui uero leue contigerit
فَأُمُّهُ هَاوِيَةٌ> ٩	<9> precipitium corruet
وَمَا أَدْرَاكَ مَا هِيَهْ> ١٠	<10> ---
نَارٌ حَامِيَةٌ> ١١	<11> in ignis feruidi

Шунингдек, жараёнда таржимон оятларнинг умумий мазмунини таржима қилишга эътибор қаратиб, сура моҳиятини оятлар кетма-кетлигини бузган ҳолда ифодалайди. Мисол учун таржима матнида ... *<8>аммо кимда енгил келса (cui uero leue contigerit), <11> алангали оловдаги (in ignis feruidi), <9> жарликка қулайди (precipitium corruet),* деб 8-оятдан кейин 11-оят келтирилиб, сура 9-оят билан якунланган, 10-оят эса тушириб қолдирилган:

Арабча матн таржимаси (Qur'oni karim, 2004:600)	**Лотинча матн таржимаси**
<1> (У) зарба берувчидир.	<1> **---**
<2> Зарба берувчи недур ?	<2> **---**
<3> (Эй, Муҳаммад) Зарба берувчи нима эканини Сизга не ҳам англатур ?! (У қиёмат кунидир)	<3> **---**
<4> У кунда одамлар тўзитиб юборилган кўршапалаклар каби бўлурлар.	<4> Охират куни одамлар чивинлар каби у ёқдан бу ёққа тарқаладилар
<5> Тоғлар эса титилган юнг каби (ҳавода учиб юрувчи) бўлур.	<5> ва тоғлар титилган жунга ўхшаб қолади
<6> Бас, энди (ўша куни) кимнинг тарозида тортилган нарсалари (савобли амаллари) оғир келса,	<6> ва ҳар кимни мағлуб этиш учун оғир юкка эга бўлса
<7> ана ўша қониқарли маишатда (жаннатда) бўлур.	<7> яхшироқ ҳаёт кечиради
<8> Аммо, кимнинг тарозида тортилган нарсалари (савобли амаллари) енгил келса,	<8> аммо кимда енгил келса
<9> унинг жойи (дўзахдаги) "жарлик" дир.	<9> жарликка қулайди.
<10> У нима эканини Сизга не ҳам англатур?	<10> ---
<11> (У) (дўзахдаги) ловуллаб ёнувчи оловдир.	<11> алангали оловдаги

Икки матннинг қиёсий таҳлилидан кўриб турибдики, Роберт таржима жараёнида тушунмаган, аниқроғи қўшимча изоҳ талаб қилувчи арабча сўз ва ибораларни лотинчага ўгирмай тушириб қолдирган. Мисол учун, 1-оятдаги арабча «الْقَارِعَةُ» («ал-Қориа») сўзининг моҳиятини тушунмаганлиги боис мазкур сўз ишлатилган бошқа оятларни ҳам лотинчага таржима қилмайди. Шайх Абдулазиз Мансур талқинига кўра «الْقَارِعَةُ» – «Зарба берувчи, яъни қиёмат» (Qur'oni karim, 2004:600) дир. Бундан ташқари, Роберт арабча матн моҳиятини атайин бузишга ҳам ҳаракат қилиб, савобли амалларга бағишланган 6 ва 7-оятлардаги «فَأَمَّا مَن ثَقُلَتْ مَوَازِينُهُ فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَّاضِيَةٍ» [Бас, энди /ўша куни/ кимнинг тарозида тортилган нарсалари / савобли амаллари/ оғир келса, ана ўша қониқарли маишатда /жаннатда/ бўлур] деган жумлани «... et cuicunque pondus immensum preponderabit uitam uiuet optimam» [... ва ҳар кимни мағлуб этиш учун оғир юкка эга бўлса яхшироқ ҳаёт кечиради] деб лотинча ўгиради. Натижада, исломда жаннатга кириш учун бошқаларни мағлуб этиш тарғиб қилинган, деган нотўғри талқин шаклланиб қолган. Юқоридагиларга қарамай, айнан Роберт таржимаси XVII асрга қадар «Қуръон»нинг Европада энг кўп тарқалган лотинча варианти ҳисобланган.

1211–1212 йилларда «Қуръон»нинг лотин тилидаги учинчи нусхаси яратилган. Таржима муаллифи Толедолик Марко (XIII аср). Сўзма-сўз услубидан фойдаланилганлиги боис, мазкур таржима юқоридаги икки ишдан анча мукаммалроқ бўлган. Бироқ, «Liber Alchorani Machameti quem Marcus canonicus Toletanus de Arabica lingua transtulit in Latinam» («Толедолик қонуншунос Марко араб тилидан лотинчага ўгирган Муҳаммаднинг Қуръон китоби») номли мазкур таржима қўлёзмасининг асл нусхасини фақат 6 варағи ҳозирга қадар етиб келган, холос. У бугунги кунда Миландаги Амбросиана кутубхонасида L.1. sup., fol. 4v хос рақами билан сақланмоқда. Таржиманинг XIV асрда кўчирилган нисбатан тўлиқ ҳолатдаги нусхаси бугунги кунда Турин миллий университети кутубхонасида (F.V. 35) сақланмоқда.

Кеттонлик Роберт ҳамда Толедолик Марко таржималарининг қиёсий таҳлили лотинча матндаги ўзгаришларни янада аниқроқ акс эттиради. «Бақара» сурасининг 28-ояти таржимаси мисолида ушбу ҳолатга эътибор қаратсак:

Арабча матн (Qur'oni karim, 2004:5)	**Роберт таржимаси** (MS. 1162:fols. 39r)	**Марко таржимаси** (L.1. sup., fol. 4v)
كَيْفَ تَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَكُنتُمْ أَمْوَاتًا فَأَحْيَاكُمْ ۖ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ ثُمَّ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ	Hic namque uos ad uitam de non esse deducens mortem inducet et ad se uos resurgere faciet.	Qualiter blasphematis in Deum? Et eratis mortui, [et] uiuificauit uos; deinde mortificabit uos; deinde uiuificabit; demum ad eum redibitis.
Ўзбекча таржималар		
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таржимаси: Аллоҳга қандай куфр келтирасизлар? Ҳолбуки, жонсиз эдингиз, сизга жон берди, сўнгра жонингизни оладир ва яна тирилтира-дилар ва сизлар Унга қайтажаксизлар (Qur'oni karim, 2018:4) **Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси:** (Эй, мушриклар!) Ўлик эканингизда сизни тирилтирган, сўнгра сизга (яна) ўлим берадиган, кейин сизни тирилтиргач, сизни ҳузурига қайта-риладиган Аллоҳни қандай инкор этасиз?! (Qur'oni karim, 2004:5)	Чунки у сизни йўқликдан ҳаётга олиб чиқиб, сизни ўлимга олиб келади ва сизни унга кўтарилишга мажбур қилади.	Қандай қилиб Худога ишон-майсиз? Чунки сиз ўлга-нингизда, у сизга ҳаёт берди, кейин у сизни ўлишин-гизга сабаб бўлади, сўнгра у сизга ҳаёт беради ва кейин унга қай-тариласиз.

Кўриниб турганидек, Марко таржимаси Роберт ишидан анча мукаммал ва тўлиқроқ бўлиб, оятни сўзма-сўз таржима қилишга ҳаракат қилинган. Буни, «Қуръон»нинг Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таржимасидаги ўзбекча матн ҳамда Марко вариантини лексик ва грамматик стилистикасининг ўзаро жуда яқинлиги ҳам тасдиқлайди.

Мафкуравий таъсир сабаб ўзгаришларга учраган ва нотўғри талқин қилинган диний матнлардан яна бири «Китоб ал-Исро ва-л-Меʻрож» («Исро ва меърож китоби»)дир. Ислом тарихидан яхши маълумки, Исро бу Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккадан Қуддусга амалга оширган тунги сайрини (ал-Исро сураси 1-оят (Qur'oni karim, 2004:282), Меърож эса у зотни Қуддусдаги Ақсо

масжидидан осмонга кўтарилишини (ан-Нажм сураси 6–18-оятлар (Qur'oni karim, 2004:525-526) тасвирловчи «Қуръон» оятларида келтирилган воқеликлар ҳисобланади. Фан тарихида муаллифи номаълум эканлигини кўрсатилувчи асарнинг асл арабча қўлёзмаси сақланмаган. Лотинча таржима матнинг таҳлили уни исро ҳамда меърож воқеликларига бағишланган «Қуръон» оятлари ҳамда мазкур оятларни тавсифловчи ҳадислар бирикмасидан ташкил топган рисола эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунга қадар фан тарихида асарнинг биринчи таржимаси сифатида баҳоланувчи иш 1262 йилда Леон ва Кастилия қироли Альфонсо X (1252 – 1284) топшириғи билан Авраам де Толедо (1225–1294) томонидан амалга оширилган. Таржимон асарни араб тилидан кастилчага «La Escala de Mahoma» («Муҳаммаднинг юксалиши») номи билан ўгирган. Бироқ, бу таржима матни бугунги кунга қадар тўлиқ ҳолатда сақланмаган. 1264 йилда қирол ташаббуси билан Авраам таржимаси Сиеналик Бонавентура (XIII аср иккинчи ярми) томонидан аввал лотин, сўнгра француз тилларига ўгирилган. Улардан «Liber scalae Machometi» номли иккита лотинча нусха Франция миллий кутубхонаси (Lat. 6064) ҳамда Ватикан Апостол кутубхонасида (Lat. 7072), «Livre de l'eschiele Mahomet» номли французча нусха эса Бодлиан кутубхонасида (Laud Misc. 537) сақланмоқда.

Тадқиқот давомида «Китоб ал-Исро ва-л-Ме'рож»нинг юқоридаги уч таржимасидан аввалроқ яратилган лотинча нусхаси аниқланди. Мазкур таржима «Corpus Islamolatinum» таркибидаги 4-сонли қўлёзма (MS. 1162: fols. 5r – 10v) бўлиб, «Chronica mendosa et ridicula Sarracenorum» («Мусулмонларнинг ёлғон ва кулгили йилномаси») деб номланади. Қўлёзмада таржима матни муаллифи сифатида Кеттонлик Роберт кўрсатилган. Ушбу таржимани Ватикан, Париж ва Оксфорд нусхалари билан қиёсий таҳлили, уларда матннинг таркибий тузилиши ва келтирилган маълумотлар ўхшашлигини тасдиқламоқда. Фақат, бу таржимада ҳам Роберт ўз услубига хос равишда исломий матнларни бузиб талқин қилган. Буни, сарлавҳа учун танлаб олинган номда ҳам яққол кўриш мумкин. Бундан ташқари, лотинча матннинг дастлабки саҳифасида асарни таржима учун танлаб олинишига, ундаги *пайғамбарни бир кечада узоқ масофани босиб ўтгани, осмонга кўтарилиб, жаннат ва дўзахни томоша қилгани тўғрисидаги* маълумотлар сабаб бўлгани қайд этилиб, улар *ишониб бўлмас воқеликлар* сифатида *ислом таълимотини нотўғрилигини асослашда қўл келиши мумкинлиги (асл матн: «... incredibilis notitia de propheta, qui una nocte magnam distantiam iter fecit, in caelum ascendit et caelum et infernum observavit, utilis esse potest ad iustificandam doctrinae islamicae fallaciam»)* (MS. 1162:fol. 5r) таъкидланган. Мазкур маълумотлар араб тилидаги асарларни таржима қилиш ишини черков томонидан йўлга қўйилиши аввало, диний-мафкуравий курашлар фонида юз берганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Роберт таржимасида араб тилидаги матн муаллифи сифатида *Пьер де Монтбоиссиернинг толедолик мусулмон таржимони Муҳаммад* (MS. 1162: fol. 9v) қайд этилган. Мазкур маълумот бир тарафдан «Китоб ал-Исро ва-л-Ме'рож» Пьер де Монтбоиссиер буюртмаси асосида исломга қарши курашиш учун XII асрда тайёрланган қурама асар эканлигини англатса, иккинчи томондан асар муаллифи сифатида Абдулкарим Муҳаммад ал-Қушайрий (986–1072)га ишора қилган айрим фан тарихчиларининг (D'Alverny M-T., 1948:125) фикри нотўғри эканлигини кўрсатмоқда.

XII – XIII асрларда лотин тилига таржима қилинган асарлардан навбатдагиси «Китоб ал-Анвар» («Нур китоби»)дир. Фан тарихида Абу-л-Ҳасан Бақрий исмли муаллифга тегишли ушбу асар Муҳаммад алайҳиссаломнинг келиб чиқиш шажараси ва ёшлик йилларига бағишланган китоб ҳисобланади. Асар муаллифи тўғрисидаги маълумотлар деярли сақланмаган, мавжудлари ҳам бир-бирига зид. Асарнинг «Liber de generatione Mahumet et nutritura eius» («Муҳаммад шажараси ва унинг тарбия топиши») номли таржимаси 1142–1143 йилларда Далматлик Ҳерман томонидан Пьер де Монтбоиссиер буюртмаси асосида тайёрланган. Шу сабабдан таржима матнида турли нотўғри ва уйдурма маълумотлар кўплаб учрайди. Ҳатто, унинг дастлабки варағи қуйи қисмида пайғамбарнинг балиқ кўринишидаги ҳақоратомуз сурати (MS. 1162: fols. 11r) ҳам тасвирланган. Ҳозирги кунда мазкур таржиманинг турли йилларда кўчирилган 23 та нусхаси маълум бўлиб, асл нусха «Corpus Islamolatinum» тўплами (MS. 1162: fols. 11r – 18r) таркибидаги сақланмоқда.

Тадқиқот давомида «Китоб ал-Анвар»нинг XIII асрга тааллуқли кастил тилидаги 3 та нусхаси ҳам аниқланди. Булар, Испания Тарих Академияси кутубхонасидаги MS. T.17-18, Испания Миллий кутубхонасидаги MS. 4955 ва Мадрид Қироллик кутубхонасидаги MS. 3225 рақамли қўлёзмалардир. Қўлёзмалар яхши ҳолатда сақланганлигига қарамасдан, уларда таржима муаллифи кўрсатилмаган. Қўлёзмалар колофони *«1263, Toledo»* матни билан якунланган. Бу, катта эҳтимол билан таржима қирол Альфонсо X топшириғи билан унинг илоҳиётчи таржимони Авраам де Толедо томонидан яратилган, деб тахмин қилишга асос бўлади. Аввалроқ таъкидланганидек, бу таржимон

1262 йилда «Китоб ал-Исро ва-л-Меʻрож»ни ҳам кастил тилига таржима қилган эди.

Тадқиқот жараёнида юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, лотин тилига таржима этилган ислом таълимотлари билан боғлиқ бўлган қуйидаги асарлар аниқланди:

«Масоʼил Абдуллоҳ ибн Салом» («Абдуллоҳ ибн Салом саволлари») – асли Бани Қурайза яҳудий қабиласи вакили бўлган саҳоба Абу Юсуф Абдуллоҳ ибн Салом ибн ал-Ҳорис (ваф. 664)нинг Муҳаммад алайҳиссаломга берган саволларига қайтарилган жавоблар асосида ислом моҳиятини тушунтиришга бағишланган қурама асар. Асар муаллифи номаълум. Фан тарихида асарнинг яратилган санаси сифатида X аср қабул қилинган (Cecini U., 2021:13). Асар 1143 йилда Далматлик Ҳерман томонидан «Liber de doctrina Mahumet» («Муҳаммад таълимоти китоби») номи билан лотин тилига таржима қилинган. Бу таржима ҳам Пьер де Монтбоиссиер ташаббуси билан яратилган бўлиб, «Corpus Islamolatinum» таркибидаги қўлёзмаларнинг олтинчиси (MS. 1162: fols. 19r – 25r) ҳисобланади.

«Рисолат ал-Киндий» («ал-Киндий асослари») – тахминан IX асрда, халифа ал-Маъмун (813 – 833) даврида яратилган диний асар. Асардаги воқеликлар, унинг икки асосий қаҳрамони мусулмон Абдуллоҳ ибн Исмоил Ҳошимий ҳамда насроний Абдулмасиҳ ибн Исҳоқ Киндий ўртасидаги ўз динининг ишончлигини асослашга қаратилган ёзишмалар асосида кечади. Айни услуб ислом таълимотларни инкор этишга уринган Пьер де Монтбоиссиерга қўл келганлиги боис, Испанияга қилган сафари чоғида, яъни 1142–1143 йилларда ушбу асарни Толедолик Педрога лотин тилига таржима қилдирган. «Epistola Saraceni et rescriptum Christiani» («Мусулмон мактублари ва насроний жавоблари») номли мазкур таржима «Corpus Islamolatinum» таркибида энг сўнгги тўққизинчи рақамли (MS. 1162: fols. 139r – 178r) қўлёзмадир. Қайд этиш лозимки, Асар қаҳрамонларининг шахсиятига оид қарашлар анча зиддиятли бўлиб, аксар фан тарихчилари уларни бадиий тўқима образ сифатида баҳолашади (Watt W., 1991:10). Асар қаҳрамони ва айрим тадқиқотларда унинг муаллифи сифатида кўрсатилувчи Абдулмасиҳ ибн Исҳоқ Киндийни Бағдодда ижод қилган машҳур таржимон олим, файласуф Ёқуб Киндий (800–873) билан адаштирмаслик лозим.

ХУЛОСА

«Қуръони карим», шунингдек «Китоб ал-Исро ва-л-Меʻрож», «Китоб ал-Анвар», «Масоʼил Абдуллоҳ ибн Салом», «Рисолат ал-Киндий» каби диний асарларнинг XII – XIII асрларда яратилган лотинча таржималари таҳлили қуйидагича хулосага қилишга асос бўлмоқда:

биринчидан, соҳага оид бирламчи манбалар таҳлили тадқиқ этилаётган даврда таржимачилик ишининг йўлга қўйилишида 3 та: давлат, дин ва зиёли қатлам омиллари муҳим ўрин тутганлигини кўрсатмоқда;

иккинчидан, тадқиқ этилаётган даврда Ғарбий Европадаги таълим ва фан, жамиятдаги бошқа ижтимоий соҳалар каби христианлик черкови томонидан назорат қилинган ҳамда бошқарилган. XII – XIII асрдаги таржимачилик ишлари ҳам бундан мустасно эмас. Чунончи, араб тилидаги асарларни лотинчага кўчиришнинг асосий ташкилотчиси ҳамда буюртмачиси бу – черков эди. Франциянинг Клюния черкови аббати Пьер де Монтбоиссиер фаолияти хусусида мақолада келтирилган маълумотлар буни тасдиқлайди. Бу борада, Раймондо де Сальвета, Хуан Кастеллморон ва Родриго Хименес де Рада каби архиепископлар фаолияти ҳам соҳадаги янги тадқиқотлар учун объект бўлади;

учинчидан, манбалар таҳлили черков мутасаддиларининг арабча асарларни таржима қилдиришларига биринчи навбатда диний-мафкуравий мотивлар сабаб бўлганлигини кўрсатмоқда. Яъни, кўриб ўтилаётган даврда христианлик черковининг ўрта аср «мафкуравий майдони»даги энг асосий рақобатчиси ҳисобланган ислом дини ва унинг фалсафасига бағишланган илоҳиётга доир китобларни лотин тилига ўгириш ташаббусидан асосий мақсад – мазкур динга қарши курашиш, унинг ғояларини инкор этиш ва бу орқали мусулмонларни христианликка ўтказиш бўлган;

тўртинчидан, лотинча таржима қўлёзмаларнинг асл матнлар билан қиёсий таҳлили ўрта асрлардаги динлараро қарама-қаршиликлар таржима матнига, шу жумладан, унинг лексикасига жиддий салбий таъсир этгани, жараёнда таржимонлар исломий матнларни насроний мафкурасига мослаштиришлари оқибатида муқаддас исломий матнлар ва ҳатто, пайғамбар шахсиятига оид лотинча маълумотларда кўплаб нотўғри ва ҳақиқатдан йироқ қайдлар шаклланиб қолганлигидан далолат бермоқда.

АДАБИЁТЛАР / REFERENCES

1. Burman, T. E. (1998). Tafsīr and translation: traditional arabic Qur'ān exegesis and the latin Qur'āns of Robert of Ketton and Mark of Toledo. Speculum, a journal of medieval studies, 7(3), 703-732.
2. Cecini, U. (2021). Masāʾil ʿAbdallāh ibn Salām (Doctrina Mahumet): Kritische Edition des arabischen Textes mit Einleitung und Übersetzung. Wiesbaden: Harrassowitz.
3. Chronica mendosa et ridicula Sarracenorum. MS. 1162: fols. 5r – 10v. Paris, France: Bibliothиque de l'Arsenal.
4. Corpus Islamolatinum. MS. 1162. Paris, France: Bibliothèque de l'Arsenal.
5. D'Alverny, M.-T. (1948). Deux traductions latines du Coran au Moyen-Bge. Archives d'histoire doctrinale et littéraire du Moyen-Âge, 69-131.

6. D'Alverny, M.-T. (1950). Fкtes et Cйrйmonies liturgiques en l'honneur des saints Abbйs Odon et Odilon. Pierre le Vénérable et la légende de Mahomet (p. 161-170). Dijon: Société des Amis de Cluny.
7. De doctrina Mahumet. MS. 1162: fols. 19r – 25r. Paris, France: Bibliothиque de l'Arsenal.
8. De la Cruz Palma, O. (2002). La trascendencia de la primera traduccion latina del Coran (Robert de Ketton, 1142). Collatio, 7, 21-28.
9. El Libro de las luces. MS. 3225. Madrid, Espaca: Biblioteca Real de Madrid.
10. El Libro de las luces. MS. 4955. Madrid, Espaca: Biblioteca Nacional de Espaca.
11. El Libro de las luces. MS. T.17-18. Madrid, España: Biblioteca de la Academia Española de la Historia.
12. Epistola Saraceni et rescriptum Christiani. MS. 1162: fols. 139r – 178r. Paris, France: Bibliothèque de l'Arsenal.
13. Epistula domini Petri abbatis ad dominum Bernardum Clare Uallis abbatem. MS. 1162: fols. 3v – 4v. Paris, France: Bibliothèque de l'Arsenal.
14. Fabulae Sarracenorum (Prologus). MS. 1162: fol. 5r. Paris, France: Bibliothиque de l'Arsenal.
15. Ferrero Hernбndez, C., Tolan, J.J. (2021). The Latin Qur'an, 1143-1500. Translation, Transition, Interpretation. Berlin: De Gruyter.
16. Gonzбlez Mucoz, F. (2021). Corrections to Robert of Ketton's translation of the Qur'an in MS Paris Bibliothиque de l'Arsenal 1162. BC. The Latin Qur'an, 1143-1500. Translation, Transition, Interpretation (p. 95-110). Berlin: De Gruyter.
17. Hanne, O. (2013). Les Stratйgies matrimoniales (IXe-XIIIe siиcle). Le mariage coranique vu à travers l'Alcoran de Robert de Ketton (p. 267-290). Turnhout: Brepols.
18. Hanne, O. (2018). La fides des Sarrasins et l'omвn des musulmans dans deux traductions latines du Coran (XIIe-XIIIe siècle). Confiance, bonne foi, fidélité : la notion de fides dans la vie des sociétés médiévales (VIe-XVe siècles) (p. 357-374). Paris : Classiques Garnier.
19. Kritzeck, J. (1964). Peter the Venerable and Islam. Princeton: Princeton University Press.
20. Lappin, A. J. (2021). On the genesis and formation of the Corpus Cluniacense. B C. e. Ferrero Hernández, The Latin Qur'an, 1143-1500. Translation, Transition, Interpretation (p. 27-56). Berlin: De Gruyter.
21. Lex Mahumet pseudoprophete. MS. 313. 3: fols. 29 – 159v. Oxford, UK: Merton College.
22. Lex Mahumet pseudoprophete. MS. 1162: fols. 26r – 138v. Paris, France: Bibliothиque de l'Arsenal.
23. Liber Alchorani Machameti quem Marcus canonicus Toletanus de Arabica lingua transtulit in Latinam. L.1. sup., fol. 4v. Milano, Italia: Biblioteca Ambrosiana.
24. Liber Alchorani Machameti quem Marcus canonicus Toletanus de Arabica lingua transtulit in Latinam. F.V. 35. Torino, Italia: La Biblioteca Nazionale Universitaria di Torino.
25. Liber de generatione Mahumet et nutritura eius. MS. 313 2. (fols. 20v-8v). Oxford, UK: Merton College.
26. Liber de generatione Mahumet et nutritura eius. MS. 1162: fols. 11r – 18r. Paris, France: Bibliothèque de l'Arsenal.
27. Liber scalae Machometi. Lat. 7072. Civitas Vaticana, Vaticana: Biblioteca Apostolica Vaticana.
28. Liber scalae Machometi. Lat. 6064. Paris, France: Bibliothèque nationale de France.
29. Livre de l'eschiele Mahomet. Laud Misc. 537. Oxford, UK: Bodleian Library.
30. Mahmudov, O. (2019a). O'rta asr Yevropa tarjima markazlarida lotin tiliga o'girilgan tibbiy asarlar (II qism). Meros, 1, 97-107.
31. Mahmudov, O. (2019b). O'rta asr Ispaniya tarjima markazlarida lotin tiliga o'girilgan asarlar (I qism: aniq fanlarga oid kitoblar). FarDU ilmiy xabarlari, 4, 84-93.
32. Mahmudov, O. (2021). O'rta asr Ispaniya tarijima markazlarida lotin tiliga o'girilgan asarlar (III qism: ijtimoiy-gumanitar fanlarga oid kitoblar). FarDU ilmiy xabarlari, 6, 47-52.
33. Mahmudov, O. (2022a). Sharq allomalari asarlarining Yevropada tarjima etilgan ilk sanasini qayta belgilash to'g'risida (lotin tilli manbalar tahlili asosida). Imom Buxoriy saboqlari, 4, 10-11.
34. Mahmudov, O. (2022b). O'rta asr Yevropa tarjima markazlari» tushunchasi va uning ilmiy iste'moliga oid. FarDU ilmiy xabarlari, 5, 36-44.
35. Mahmudov, O. (2022e). O'rta asr Yevropa tarjima markazlari tarixiga oid arab tilidagi manbalar hamda ularning lotin tilli manbalar bilan qiyosiy tahlili. FarDU ilmiy xabarlari, 6, 47-52.
36. Makhmudov, O. (2022c). The concept of «Medieval European translation centers» and the Register of Latin manuscript-translations of the works of Muslim East scholars, carried out in these centers. Scientific Journal of PhN Results, 13 (9), 5052-5065.
37. Makhmudov, O. (2022d). Studies of scientific works of Muslim East scholars in the translations centers of Medieval Europe. International Journal of ECh Special Education, 14 (6), 1142-1151.
38. Martнnez Gбzquez, J. (2015). Glossae ad Alchoran Latinum Roberti Ketenensis translatoris, fortasse a Petro Pictauiense redactae: An Edition of the Glosses to the Latin Qur'ān in BNF MS Arsenal 1162. Medieval encounters, 21, 81-120.
39. Prephacio. MS. 1162: fol. 25v. Paris, France: Bibliothиque de l'Arsenal.
40. Qur'oni karim. (2004). (Tarjima va tafsir muallifi Abdulaziz Mansur) Toshkent: Toshkent islom universiteti nashriyot-matbaa birlashmasi.
41. Qur'oni karim. (2018). (Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf tarjimasi) Anqara: Türkiye Diyanet Vakfı.
42. Summa totius haeresis ac diabolice secte Sarracenorum. MS. 1162: fols. 1r – 3v. Paris, France: Bibliothèque de l'Arsenal.
43. Tischler, M.M. (2012). Modes of literary behaviour in Christian-Islamic encounters in the iberian peninsula: Pseudo-Turpin versus Peter the Venerable. Languages of Love and Hate: Conflict, Communciation and Identity in Medieval Mediterranean, 201-221.
44. Watt, W.M. (1991). Muslim-Christian encounters: perceptions and misperceptions. London: Routledge.